

Намуна

1. Кириш кисми.

«_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмаси лойихасининг бизнес-режаси, Карши шахрида, тижорат банки ресурслари хисобидан бериладиган кредитлар механизми оркали молиялаштириш натижасида, курилиш материаллари булган мрамор тошини кайта ишлаб чикириш билан савдони ташкиллаштиришни асослаш максадида тақдим этилмоқда.

Лойиха ташаббускори томонидан, Карши шахрининг курилиш материаллари булган мрамор тошини кайта ишлаб чикиришни бозорини урганиб, таҳлил килиш натижасида, курилиш материаллари булган мрамор тошини кайта ишлаб чикириш маҳсулотлари савдосини ташкиллаштириш тугрисида карор кабул килинди. Шахар курилиш материаллари булган мрамор тошини кайта ишлаб чикиришни бозорида вужудга келган шароит, яъни арzon нарҳдаги, юкори сифатли маҳсулотларига талабнинг катталиги, бундай карорни кабул килишга асос булди.

Ушбу лойихани амалга ошириш, шахримизнинг ички истеъмол бозорини, юкори сифатли, нархи арzon, мрамор тошлар билан тулдириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, лойиха ташаббускори фаолиятини кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

«_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмаси Карши шахар хокимининг _____ йил X_____ сонли карори билан давлат руйхатидан утказилган. Корхонанинг асосий фаолиятилари:

- Курилиш маҳсулотларини ишлаб чикириш, озик-овкат, саноат маҳсулотлари, эҳтиет кисмлар сотиш, сотиб олиш, ишлаб чикириш

«_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмаси банк реквизитлари:

Кашкадарё вилояти _____ тумани _____ тумани.

X/p _____

«_____» банк Кашкадаре вилоят булими

МФО _____

ИНН: _____

II. Лойиханинг асосий максади ва йуналишлари.

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмаси умумий иш фаолияти стратегияси билан мрамор тошлар савдосини ташкиллаштириш лойихаси уртасида ички зиддият йўқдир.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан максад куйидаги сабабларга кура:

- маҳсулот таннархининг юкори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишилиги,

- мрамор тошлар етказиб берувчилар ва олиб келинган маҳсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг максадга мувофикалигини курсатади.

Мраор тошлар етказиб берувчилар ва олиб келинадиган тайер маҳсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича хамкорлик килишга жуда катта кизикиши ва истаги борлигини курсатди. Худудий куляй жойлашганлиги, хамда олиб келинадиган тайер маҳсулотлар харид бозорининг кенглиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмаси асосий максади, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорларини амалга ошириб, ахолига ва корхоналарга савдо хизмати курсатиш, эҳтиёт кисмлар ва металл, озик-овкат маҳсулотларини сотищдан иборатdir. Ахоли ва корхоналарни ушбу маҳсулотларга булган талабини бир оз булсада кондириш максадида «_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмаси узининг Бизнес режасини ишлаб чиқди.

Ушбу лойихани амалга ошириш учун, кредит хисобидан 4000000 сум маблаг талаб килинади. «_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмаси ушбу кредит маблагини олиш учун, гаров таъминоти сифатида АО _____ томонидан кафолат хати тақдим этади. Ушбу кредит маблагини олиб ишлатиш ва уни уз вактида кайтариш учун барча шартшароит мавжуд.

Лойихада хисоб-китоблар учун кабул килинган кредит шартлари

1. Кредит микдори – 4000000 сум
2. Кайтариш муддати – 24 ой
3. Имтиез даври – 0 ой

4. Йиллик фоиз ставкаси – 26 %
5. Кредитни епиш – Кредит муддати чораклик бадаллар билан суммани тулик кайтариш.

Лойиханинг киймати жадвали.

Таблица 2.1.

Т\r	Номи	Талаб килинадиган маблаг (минг. сум)		
		Жами сумма	Кредит хисобидан	Уз хисобидан
1.	Мраомр тошлар учун	1400000	1400000	0
2.	Асбоб ускуна учун	2600000	2600000	0
2.	Транспорт харажатлари	300000	0	300000
3.	Бошка харажатлар	15000	0	15000
	Жами:	43150000	4000000	315000

11. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

Республика хукуматининг тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб бораётган сиёсати, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта йул очди.

Хозирги бозор иктисодиёти шароитида, ахолини ва корхоналарни курилиш материаллари ва мрамор тошлар маҳсулотлари билан таъминлашда оз булсада, баъзи муаммолар мавжуд.

Статистика маълумотларига кура, Кашқадаре вилоятининг ахоли сони 01.09.99 йилда 2 155 200 кишини, Карши шаҳрининг ахоли сони 209000 кишини ташкил этди. Асосан, жуда куп микдорда, мрамор тошларга булган талаб корхона ва ташкилотлардан дир. Лойиха ташаббускори хам ушбу мавсум бошланишини эътиборга олган холда, тижорат банкидан кредит маблаги олишни режалаштирган. Ушбу маҳсулотларга корхона ва ташкилотлар, ахоли томонидан муайян талабнинг мавжудлигини курсатади. Бундан ташкиари курилиш маҳсулотлари ва мрамор тошлари маҳсулотларига савдо корхона ва ташкилотлари, фирмалари хам ушбу маҳсулотнинг потенциал харидорлари хисобланади.

«_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмаси ана шу маҳсулотларни ахолига, ташкилот ва корхоналарга етказиб беришни максад килиб куйган.

«_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмасининг шартнома асосида узи олиб келиб сотадиган мрамор тошларни вилоятимиз худудида жойлашган корхона ва ташкилотларга сотишни режалаштирган. «_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмасининг бу

режаси узини оклабгина колмасдан, корхонага даромад хам келтиради. Чунки, корхона катта савдо корхоналарига нисбатан, бозорни тезрок урганиб, махсулотни арzonрок сотади. Корхона катта савдо корхоналарига нисбатан хар-хил харажатларга йул куйилмайди. Шунинг учун хам корхона сотадиган махсулотларнинг нархи нисбатан арzonрок булади. Корхона даромадни ошириш учун ахоли ва корхоналар талабини урганиб, уни тезрок кондириш учун харакат килади ва олинган кредит маблагининг айланиши тезлашади Натижада корхона маблаги ва даромади ошиб боради.

Хулоса килиб айтганда корхона кредит маблаги хисобидан олиб келиб сотадиган махсулотлар харидоргир булиб, хозирги бозор иктисодиёти шароитларига жавоб беради.

СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Олиб келинадиган мрамор тошларни вилоят ва Карши шахри худудида жойлашган истеъмолчилар билан тугридан-тугри тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Сотиш программаси стратегияси, олиб келинадиган махсулотларнинг сифати ва турига булган талабни хамма вакт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, хамда, юкорида кайд этилган фикрлардан келиб чиккан холда, тайер махсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

1V. Ишлаб чикириш тулови.

«_____» куп тармокли ишлаб чикириш хусусий фирмасининг 4000000 сум кредит маблагига Республикаиздаги корхоналарда ишлаб чикирилаетган, ва келтирилаетган мрамор тошларни шартнома асосида олиб келиб сотади.

Корхона, асосан махсулотларни Тошкент шахрида фаолият курсатаетган тадбиркорлик субъектларидан сотиб олиб келади. Бир “КАМАЗ” юкнинг Навоий шахридан Каршигача олиб келишига 100000 сум харажат хисоб-китоблар учун кабул килинган. Режага кура, бир ойда кредит маблагини 3 марта тулик айлантириш мулжалланган. Транспорт харажати бир ой ичида 300000 сумни ташкил этади.

Кредит маблагининг 1 марта тулик айланниши хисобидан сотиб олинадиган Мармар тошлар харажатлари жадвали.

Таблица 4.1.

№	Сотиб олинадиган махсулот номи	Нархи (сум)	Жами (сум)
1	Мрамор тошлар	1400000	1400000

	ЖАМИ		1400000
--	------	--	---------

Транспорт харажатлари жадвали.

Таблица 4.2. (сумда)

Т\rп	Харажатлар номи	Бир ойда	Ун икки ойда
1.	Транспорт харажати	100000	300000
	Жами:	100000	300000

Кредит маблагининг тулик бир айланиш даврида, фаолиятини амалга ошириш учун, бошка харажатларни коплаш максадида, хисоб-китоблар учун, транспорт харажатлари микдоридан 5 % кабул килинган ва 15000 сумни ташкил этади.

Демак, фирманинг мармар тошлар билан савдо фаолияти шугулланишдаги харажатлари бир айланишда 1515000 сумни, 12 ойда 18180000 сумни ташкил этади.

ТАШКИЛИЙ РЕЖА.

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмасининг ойлик иш хаки фонди 44350 сумга teng. ИТФондига 40% чегирма микдори 17740 сумга, жами хар ойда 62090 сумни ташкил этади. Ушбу туловлар, корхонанинг соф фойдаси хисобидан копланади.

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмасининг штатлар руйхати ва мехнатга хак тулаш фонди.

Таб. 4.6.

№	Штатлар руйхати	Сони	Оклад (сум)	Ойлик маош (сум)	Йиллик мехнатга хак тулаш фонди (сум)
1.	Директор	1	10000	10000	120000
2.	Бош хисобчи	1	9500	9500	114000
3.	Экспедитор	1	9000	9000	108000
4.	Омбор мудири	1	8500	8500	102000
5.	Коровул	1	2450	2450	29400
	Жами			39450	473400
	40% чегирма			15780	189360

	ЖАМИ			55230	662760
--	------	--	--	-------	--------

V. СОЛИГЛАР, ТУЛОВЛАР ВА ЧЕГИРМАЛАР.

Узбекистон Республикаси “Солиг кодекси” га кура, хамда ягона даромад солиги ставкаси 10%га тенг.

V1 Молиявий режа.

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмасининг, кредит хисобидан 1400000 сумлик маблагига олинган мрамор тошларни кайта ишлаб чикариб, 50 % устама хаки куйиб сотишни ва бир ой ичида маблагни 3 марта тулик айлантириш режалаштирган.

Юкорида кайд этилган курсаткичлар асосида 6.1 таблицада, кредит маблагининг бир марта тулик айланнишдан олиниши режалаштирилган даромад курсатилган.

Таблица 6.1.

№	Номи	Сотиб олиниш нархи (сум)	Жами харажатлар (сум)	Устама хаки 50 %	Кутилаетган тушум
	Мрамор тошлар	1400000	1515000	757500	2272500

Бир ой ичида кредит маблагининг режалаштирилган айланнишидан ва ишлаб чикарилгандан кутилаетган даромад 2272500 сумни, ун икки ойда 27270000 сумни ташкил этади.

21 тонна мармар олиб келинса 350 м куб мармар тош ишлаб чикарилади 6.2 таблицада аникрок куриб чикамиз

№	Номи	Сони	Сотиб олиш нархи (сум)	1 ойга сони ишлаб чикариш	1 йилга сони ишлаб чикариш	Сотилиш нархи
1	Мармар тош	21 т	4000 сум	350 м куб	4200 м куб	6492,86 сум

6.3 таблицада лойихани амалга ошириш учун жалб этилган кредит маблагини кайтариш ва кредитдан фойдаланганлик фоизларини тулаш схемаси курсатилган.

Банк кредитини фоизи билан кайтариш схемаси.

Жадвал 8.2

№	Кайтариш даври	Кредит суммаси	Кредит фоизи 26 %	Кредитни кайтариш суммаси	Умумий Тулов суммаси
1	0 йил	4000000	--	--	--
2	1 йил	4000000	1040000	2000000	3040000
3	2 йил	2000000	520000	2000000	252000
	ЖАМИ	X	1560000	4000000	5560000

лиявий режа

Айланма маблаг микдори – 1568000 сумни ташкил этади.

Таблица 6.3.

№	Курсаткичлар номи	1 йилда (сум)	2 йилда (сум)
1.	Тушум	27270000	27270000
2.	Харажатлар	18180000	18180000
3.	Даромад	9090000	9090000
4.	Солиг тулови	909000	909000
5.	Кредит фоизи (26 % йиллик)	1040000	520000
6.	Кредит суммаси	2000000	2000000
6.	Иш хаки фонди	473 400	473 400
7.	40 % чегирма	189 360	189 360
8.	Транспорт харажатлари	3 600 000	3 600 000
9.	Бошка харажатлар	180000	180000
10.	Соф фойда	698240	1218240

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш хусусий фирмаси, 24 ой давомида банкдан олган 4000000 сум кредит маблаги хисобидан савдосотикни амалга ошириб, кредит маблаги ва фоизларини кайтарищдан ташкари, 1916480 сум соф фойда олади.

«Тасдиклайман »

«_____» куп тармокли ишлаб чикариш
хусусий фирмаси директори

« ФИРМАНИНГ САВДО ФАОЛИЯТИГА
КРЕДИТ МАБЛАГЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ЛОЙИХАСИННИГ»

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

КАРШИ ш. – 2002й.